



MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-Dekabr 2021

Ma'qullandi: 25-Dekabr 2021

Chop etildi: 30-Dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

миллий хослик, реалия,
лексик ўрин
алмаштириш,
грамматик ўрин
алмаштириш,
эквивалентлик,
трансформация

РЕАЛИЯЛАР, МИЛЛИЙ ВА МАХАЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ СЎЗЛАР, УЛАРНИ ТАРЖИМАДА ҚАЙТА ЯРАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамадаюпова Васида Шоназаровна¹

¹Тошкент давлат юридик университети

Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

e-mail: v.mamadayupova@tsul.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5830577>

ANNOTATSIYA

Мазкур мақола турли миллат вакиллари турмуш-тарзида учрайдиган миллий хос сўзлар – реалиялар таърифи, таснифи ва уларнинг таржимасига бағишланган. Мақолада ҳар бир миллатга хос бўлган сўзлар билан боғлиқ таржима жараёнида юзага келадиган муаммолар ва уларни қандай тартиб таржимон томонидан бартараф этиш йўллари келтириб ўтилган. Реалиялар таржимаси доирасида шу соҳада тадқиқот ишларини олиб борган машҳур тилшунос олимларнинг фикр-малоҳазалари ҳам келтирилган. Мисол тариқасида ўзбек-инглиз тилларида учрайдиган миллий хос сўзлар – реалияларнинг таърифи, таснифи ҳамда таржимасига доир мисоллар берилган.

Кириш. Реалиялар ва миллий ўзига хосликни ифодаловчи сўзларни бадий таржимада қайта яратиш муаммоларини ўрганишдан олдин, таржимашунослик нуқтаи назардан реалияларнинг умумий классификацияси, миллий ва маҳаллий ўзига хосликларни ифодаловчи сўзларга қандай лексик бирликларни киритиш мумкинлигини жиддий ўрганишга тўғри келади.

Бу масала назаримизда болгар олимлари С. Влахов ва С. Флоринларнинг юқорида тилга олинган «Непереводимое в переводе»

ва И.К.Мирзаевнинг «Слова реалии и вопросы художественного перевода» китобида атрофлича ва чуқур ўрганилган. С.Влахов ва С.Флоринлар ўз тадқиқотларида реалияларга предметлик тушунчасини ифодалаш нуқтаи назардан маҳаллий шароитга, тарихий даврларга мансублиги жihatдан ёндошиб классификация қилишни таклиф қилади. Улар предметлик белгисига мувофиқ тушунчаларни ифодаловчи реалияларни ката гуруҳларга бўлишади:



1. Географик ва этнографик тушунчаларни ифодаловчи тушунчалар.

а) географик тушунчаларни ифодаловчи реалияларга физик географиянинг объектларини ифодаловчининг (прерия, тарнадо, цунами, степь, пампа) тушунчаларини киритади

б) инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган географиянинг объектларини ифодаловчи тушунчалар: пальдер, крига, изовир, грид, арык, чалтык, джунгли

в) Эндемик тушунчаларни ифодаловчи сўзлар: киви, коала, қородам, йети, пробка дуби

Метод. Олимларнинг таъкидлашларича географик тушунчаларни ифодаловчи ботаника, география, зоогеография, полеогеографияга оид тушунчалар терминларга яқин туради ва улар орасидаги чегарани аниқ белгилаш мумкин эмас.

Бундай тушунчаларни таржимада беришда таржимондан луғатларга, энциклопедияларга қараш, тушунча ифодаловчи бу сўзни таржима тилида кенг ёки тор доирада тарқалганлик даражаси, сўз ифодаловчи колоритни, контекстни чуқур ўрганиш талаб қилинади.

2. Этнографик реалиялар ҳам ўз навбатида қуйидаги кичик гуруҳларга бўлинади:

I. Маиший турмуш тушунчаларини ифодаловчи реалиялар:

а) озиқ-овқат, ичимлик, оммавий овқатланиш корхоналари номларини ифодаловчи тушунчалар: щи, чебурек, пирог, спагетти, қимиз, бўза, сидр, чойхона, таверна, бистро, хаммом, сауна

б) кийимлар, пойафзал турлари, бош кийимлари номларини ифодаловчи тушунчалар: бурнус, кимано, сари, сомбреро, кубанка, сала, паранжи

в) турар жой, уй жихозлари (мебел) идишлар номини ифодаловчи тушунчалар: изба, хата, юрта, вигвам, бунгало, гасиенда, буржуйка (печка)

г) транспорт воситалари ва уларнинг хайдовчилари номини ифодаловчи тушунчалар: рикша, фиакр, тройка, катамаран, ямщик, кэбмен, гондольер

II. Мехнат фаолиятини ифодаловчи тушунчалар:

а) мехнаткашлар: передовик, ударник, бригадир, табельщик, фермер, консьерт, дворник

б) мехнат қуроллари номини ифодаловчи тушунчалар: мачеть, побылка, губерка, лассо, гарпунь, багор

в) мехнат ташкилотлари номларини ифодаловчи тушунчалар: колхоз, ранчо, латифундия, главка, агрокомплекс, гильдия, корхона

III. Санъат ва маданиятга оид тушунчалар

а) муסיқа ва рақс номлари: казачок, гопак, лезгинка, тарантелла, тановор, полька



б) мусиқа асбобларини ифодаловчи тушунчалар: балалайка, гитара, тамтам, най, ғижжак, дутор

в) фольклорга оид тушунчалар: сага, былина, руна, қасида, ғазал, гастушка, витязь, ботир, латифа, ялла

г) театрға оид тушунчалар: кабуки, по, комедия, арлекин

д) санъатга оид нарсалар номини ифодаловчи тушунчалар: икебана, сино, макондо, чинте, халише

е) ижро этувчилар номини ифодаловчи тушунчалар: трубадур, охин, бахши, кобзарь, скоромох

ж) урф одатлар ва маросимларларни ифодаловчи тушунчалар: конфирмация, вендетта, тамада, масленица, рамазан, ақиқа, причастия

з) байрамлар ва халқ ўйинларини ифодаловчи тушунчалар: пасха (фисх), қурбон хайит, лапта, городки, припет, городошник, чиллак

и) мифологияга оид тушунчалар: леший, пари, гном, ялмоғиз кампир, учар гилам, жар птица

к) диний тушунчаларни ифодаловчи сўзлар: лама, хўжа, аббат, шаман, бонза, гугенот, дарвиш, хаж, мачит, погода, костел, синагога, хоч

л) тақвим саналарини ифодаловчи тушунчалар: вайшак, саратон, термидор, бабье лето, савр, қиш чилласи, жовзо

4. Этник объектларни ифодаловчи тушунчалар:

а) этнонимлар: апачи, банту, казак, баск, турк

б) хазил ва киноя маъносидаги миллатни ифодаловчи лақаблар: кацап, хохол, бош, фриц, гринго, янки

в) яшаш жойга мансуб аҳоли номлари: тараскон(лик), гоброва(лик), оверн(лик), водий(лик)

5. Ўлчов ва пул бирликларини ифодаловчи тушунчалар:

а) оғирлик ўлчовлари: аршин, фут, сажень, ярд, ли: пуд, ботмон, акр, ярпан, қадоқ, чорак

б) пул бирликлари: лев, рубль, копейка, франк, сантим, динор, талант, луидор, сулкавой, чака, мири, червонец

IV. Ижтимоий-сиёсий тушунчаларни ифодаловчи реалиялар:

1. административ-худудий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар:

а) худудий-бошқарув тушунчасини ифодаловчи бирликлар: губерня, департамент, кантон, воеводство, туман, вилоят

б) аҳоли турар жойлари номларини ифодаловчи тушунчалар: авул, станица, махалла, даха, хутор, қишлоқ

в) аҳоли пунктининг маълум қисмини ифодаловчи тушунчалар: аррондисселеан, кремль, агора, ичкари, ташқари, ховли, айвон

2. Хукумат органлари ва лавозимларни ифодаловчи тушунчалар:



а) қурилтой, сенат, ижроқум, хоким, сейм, дума, рада, вече, муниципалитет, палата

б) канцлер, хон, амир, шох, фароан, лорд, мэр, шериф, вазир, гетман, регент, аятулла,

3. Ижтимоий-сиёсий ҳаётга мансуб тушунчаларни ифодаловчи сўзлар:

а) сиёсий ташкилотлар ва сиёсий арбоблар номлари: жерондистлар, санкюлот, Кук-клус-клан, тори

б) ватанпарварлик ва ижтимоий ҳаракат номлари, вакилларини ифодаловчи сўзлар: партизан, гез, гайдук, карбонарий, маки, славянофил, франкофон, қизил хоч

в) ижтимоий ҳодисалар ва ҳаракатлар ва уларнинг вакиллари: нэп, нэпман, лобби, дилер, менежер, маркетинг, стильга

г) унвон, даража, титул (мансаб)ни, мурожаат шакллари ифодаловчи сўзлар: бакалавр, магистр, агреже, князь, шохзода, граф, барон, герцог, лорд, сэр, мадам, мисс, герр

д) муассасалар номини ифодаловчи сўзлар: облоко, загс, норкомпрос, хокимият

е) ўқув юртлари, маданият муассасалари номларини ифодаловчи сўзлар: ўрта мактаб, коллеж, лицей, мадраса, техникум

ж) ирқ, тоифа ва уларга мансуб кишилар номини ифодаловчи сўзлар: дворян, мешчан, юнкер, брахман, вайшия, самурай, барин, мужик, фақир

з) тоифага оид белги ва рамзлар: бешюлдуз, ярим ой, юньон Джек

4. Ҳарбий тушунчаларни ифодаловчи реалиялар:

а) қисм номини билдирувчи сўзлар: легион, фаланга, орда, легия, когорта, лашкар, қўрбоши

б) қурол яроғни ифодаловчи сўзлар: арбалет, аркебуза, мушкет, ятаган, фау, катюша, ханжар, стилет, финка:

в) ҳарбий кийим аслаҳаларни ифодаловчи сўзлар: шлем, темир қалпоқ, кольгуга, дубилға, бронжилет, гимнастерка, мундир, китель, бушлатъ, шнель

г) ҳарбий хизматчилар номларини ифодаловчи сўзлар: атаман, ясаул, ўнбоши, юзбоши, сардор, лашкарбоши, прапоршик, гардемарин, яничол, унтер, фяльдфефель, драгун, кирасир

Баҳс ва мунозара. Болгар олимлари С. Влахов ва С. Флоринлар таклиф қилган бу классификациядан денгизчиликка, балиқчиликка, қишлоқ хўжалиги экинларига оид тушунчаларни ифодаловчи сўзлар қолиб кетган.

Масалан:

а) денгизчиликка (кемачилик) оид тушунчаларни ифодаловчи сўзлар: гаван, бухта, мачта, румпель, битенг, шкот, планшир, вахта, юнга

б) балиқчиликка оид тушунчаларни ифодаловчи сўзлар:

макрель, тунец, марлин, бонито, каракатица, умбрица, криветка, галано



в) қишлоқ хўжалиги ва экинларига, ўсимликларга хос тушунчалар: бахори, лалми, омоч, барона, шарбат суви, оқ олтин, момик; Қовун номлари: асади, амири, бўрикалла, одими; Ёввойи ўсимликлар: кампирчопон, отқулоқ, туятавон, кийик ўт ва х.

Болгар олимлари реалияларни маҳаллий шарт-шароитларга кўра классификация қилар эканлар юқорида номлари келтирилган тушунчаларни муайян миллатга мансублиги, уларнинг бошқа тилларга ўгиришдаги хусусиятлари нуқтаи назардан тасниф қилинишини алоҳида таъкидлайдилар. Шунга кўра, улар реалияларни бир тил қобиғида муайян халққа, территорияга мансуб реалиялар ва таржима тилларида иштирокига кўра ички ва ташқи реалияларга кириб бориши, кенг ишлатилишига кўра уларни миллий, локал, микролокал ва интернационал реалияларга ажратиш мумкин.

Магистрлик диссертациямиз мавзуси айнан бадий таржима орқали ўзбек тилига рус тили ва бошқа тиллар орқали кириб келган миллий, локал, микролокал, интернационал реалияларни ўрганиш бўлганлиги учун уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталамиз. Миллий реалиялар одатда фақат аслият тилига мансуб бўлган тушунчаларни ифодалайди. Масалан инглизча *heath* – ҳеч нарса ўсмайдиган ботқоқлик жойни, *ale* – шаффоф инглиз пивосини, испанча *galanos* – акуланинг бир турини, каракатица, умбрица – денгиз балиқларини, немисча *bosch* – бош немисларнинг кинояли лақабини, французча *fiacre* – от билан

тортиладиган енгил аравасимон транспорт воситасини англатади. Шу жихатлари билан улар бир миллат яшайдиган территориянинг маълум бир бўлагида яшовчи аҳолининг ўзига хос тушунчаси бўлса, улар локал, микролокал, характерга эга бўладилар. Айнан манна шундай реалиялар таржимонда аслият тилидаги бу тушунчани теран англаб олишликни, шу жойга хос миллий, тарихий, ижтимоий сиёсий воқеликлардан яхши хабардор бўлишликни талаб қилади.

Интернационал реалиялар ижтимоий, сиёсий, маданий алоқалар туфайли бошқа тилларга ўтиб қолган сўзларни ифодалайди. Улар бундай ҳолда ҳам миллий, маҳаллий колоритларини сақлаб қолишлиги билан характерланади. Масалан, инглизча *cowboy* – аслида «отлиқ бола» деган маънони англатади. Ҳозирги пайтда бу сўзлар кўпгина тилларга «ковбой» шаклида ўтиб, «қўрқув билмас», «авантюрист» - «саргузашт ишқибози» сифатида ўтган. Испанча «сомбреро» - оддий шляпа, бош кийимини ифодаловчи локал реалия ва у бизнинг тилимизга «гирдлари кенг шляпа» маъносида ўтиб интернационаллашган.

III. Ижтимоий ҳаётнинг муайян даврига хос реалиялар: замонавий ва тарихий реалияларга бўлиб ўрганилади. Шунга кўра бадий асар таржимасида бу фактор таржимондан реалия ифодалаган тарихий-архаик маънони яхши билишликни талаб қилади. Кўпгина тарихий реалиялар бизнинг давримизга келиб архаизмларга айланиб қолган.



Масалан: русча - помещик, земство, ўзбекча - батрал, қирол, қулоқ сўзлари

Натижа. Таржимашуносликда замонавий ва тарихий реалияларни акс эттиришда аслият мансуб бўлган мамлакатга хос тарихий даврларни, муҳим ижтимоий сиёсий воқеаларни, адабий оқимлар, муаллифнинг қайси оқимга мансублигини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ўзбек адабиётидан бирор хорижий тилга таржимага қўл урган мутаржим ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий тушунчаларини

- 1) IX-IX асрлардан бошлаб Ўрта Осиё Русия томонидан босиб олингангача давр
- 2) Собик ССР даврида вужудга келган реалиялар
- 3) Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврда тилимиздаги ички ва ташқи реалиялар нуқтаи назардан ўрганишлари мумкин.

Болгар олимлари замонавий реалияларни тасниф қилар эканлар, уларни таниш ва нотаниш реалияларга бўлиб ўрганишни таклиф қилади.

Дарҳақиқат иқтисодий, маданий, сиёсий алоқалар туфайли тилимизга кириб келган жуда кўп инглизча, русча, французча ва ҳокazo реалиялар аллақачон ўзлаштирилган сўзларга, луғат таркибимиздан мустаҳкам ўрин олган сўзларга айланиб қолган. Масалан:

Инглизча - сэр, мисс, гудбай, хелло:

Немисча - герр, бизнес, бизнесмен:

Французча - бонжур, мадам, мадмазель, фиакр, памидор, купе, фермер:

Русча - солдат, куртка, стакан, пружина, одеял каби сўзлар барча ўзбекларга тушунарли бўлган таниш лексикага айланиб кетган. Вахоланки, яқиндан бери тилимизга кириб келган дилер, менежер, маркетинг, гринхол, уикенд ва хоказо сўзлар нотаниш сўзлар сифатида барчага тушунарли бўлмаслиги мумкин.

Реалиялар классификациясини чуқур ўрганган сурхондарёлик олим И. К. Мирзаев болгар олимларининг фикрига қўшилган ҳолда хорижий матбуот органлари номларини L Humanite, "Figaro" "Revue de Dieu - Monde" ва халқ анъаналари, урф-одатлари, архитектура ёдгорликлари, майдон номларини, фразеологизмларда ифодалаган хос маъноли бирликларни ҳам реалиялар сифатида ўрганишни таклиф қилади.

Э. Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз» асари аслиятида ва рус тилига қилинган таржимасида биз қуйидаги тип реалияларга дуч келамиз:

I. денгизчиликка, кемачиликка, балиқчиликка оид тушунчаларни ифодаловчи сўзлар:

- 1) harpoon - гарпун - катта балиқларни овлашда ишлатиладиган метал ёки ёғоч найза
- 2) Tiller - румпель - қайиқ рулини айлантирадиган дастак
- 3) Mast - мачта - кема ёки қайиқнинг елканини тутиб



туриш учун хизмат қиладиган
метал ёки ёғоч устуни

4) Thwart – банка – кема ёки
қайиқдаги ўриндиқ, скамейка

5) Marlin – марлин – балиқ тури

6) Sardine – сардин – балиқ тури

7) Dolphin – макрель – балиқ тури

8) Squid – каракатица - балиқ тури

9) Bonita – бонита - балиқ тури

10) Albacore – албакоре - балиқ тури

11) Tuna – тунец - балиқ тури

12) Jack – умбрица - балиқ тури

13) Mako – мако – акула тури

14) Galano – галано – акула тури

15) Plankton – планктон – денгиз
йўсини

16) Sargass – саргасс- денгиз йўсини

17) Logger-head – карет – денгиз
тошбақаси

18) Trunk-back – лут – денгиз
тошбақаси

19) Deck – палуба, кема сахни

20) Rock – риф – елканнинг арқон
ўтказиладиган тешиги

21) Watch – вахта – кемада
навбатчилик, посбонлик вақти

1. harpoon– гарпун – катта балиқларни
овлашда ишлатиладиган метал ёки
ёғоч найза

2. Marlin – марлин – балиқ тури

3. Sardine – сардин – балиқ тури

4. Bonita – бонита - балиқ тури

22) Side – борт – кема, қайиқ усти

23) Bitt – битенг – кема ёки
қайиқдаги уни арқон билан
қирғоққа боғлаб қўйиш учун
ўрнатиладиган темир ёки ёғоч ғўла

24) Sheet – шкот – қайиқ ёки
кеманинг юришини, елканларни
тортиб турадиган арқони

25) A man of war bird – фрегат – думи
узун, йирик тропик денгиз қуши

26) Trade wind – пассат –
тропиклардан экваторга эсиб
турадиган қуруқ шамол

27) Gulfstream – Гольфстрим – иллик
оқим

Реалиялардан кўпроқ атамаларга
(терминларга) яқин турувчи
денгизчиликка, балиқчиликка оид
локал характерга эга бу сўзларни
аслиятдан рус тилига 1) транскрипция
ва транслитерация 2) рус тилида
мавжуд анна шундай маъноли сўзлар
орқали таржимада берилганлигини
кўрамыз.

Масалан қуйидаги сўзлар рус тилига
транскрипция ва транслитерация
усулида берилган:

5. Albacore – албакоре - балиқ тури

6. Mako – мако – акула тури

7. Galano – галано – акула тури

8. Plankton – планктон – денгиз йўсини

9. Sargass – саргасс- денгиз йўсини

10. Gulfstream – Гольфстрим – иллик
оқим



Қуйидаги холларда эса хорижий атамаларнинг рус тилидаги вариантларидан фойдаланилган:

1. Tiller – румпель – қайиқ рулини айлантирадиган дастак

2. Mast – мачта – кема ёки қайиқнинг елканини тутиб туриш учун хизмат қиладиган метал ёки ёғоч устуни

3. Thwart – банка – кема ёки қайиқдаги ўриндик, скамейка

4. Dolphin – макрель – балиқ тури

5. Squid – каракатица – балиқ тури

6. Tuna – тунец – балиқ тури

7. Jack – умбрица – балиқ тури

8. Logger-head – карет – денгиз тошбақаси

9. Trunk-back – лут – денгиз тошбақаси

10. Deck – палуба, кема сахни

11. Rock – риф – елканнинг арқон ўтказиладиган тешиги

12. Watch – вахта – кемада навбатчилик, посбонлик вақти

13. Side – борт – кема, қайиқ усти

14. Bitt – битенг – кема ёки қайиқдаги уни арқон билан қирғоққа боғлаб қўйиш учун ўрнатиладиган темир ёки ёғоч ғўла

15. Sheet – шкот – қайиқ ёки кеманинг юришини, елканларни тортиб турадиган арқони

16. A man of war bird – фрегат – думи узун, йирик тропик денгиз қуши

17. Trade wind – пассат – тропиклардан экваторга эсиб турадиган қуруқ шамол

Ўзбек таржимони эса барча холларда рус таржимони фойдаланган усуллардан фойдаланган. Бу ўринда аслиятдаги сўзнинг русча вариантлари ўзбек тилига транслитерация усулидан фойдаланилган холда кўчирилган. Айни пайтда broadbill – меч рыба – қилич балиқ, flying fish – летучая рыба – учар балиқ, sucking fish – прилипала – елим балиқ сингари русчага ва ўзбекчага бемалол таржима қилинадиган балиқ номлари мавжудлигини кўрамыз.

Денгизчилик ва балиқчиликка оид юқоридаги сўзларни транслитерация ва транскрипция қилиб русчага ва русчадан ўзбекча матнга киритилиши кўп холларда ўзбек китобхони учун қатор қийинчиликлар туғдиради. Масалан, балиқ номларини ифодаловчи 11 та атама ўзбек китобхонлари учун умумий тушунча бўлган «балиқ»ни ифодалайди холос. Балиқ ови билан мунтазам шуғулланувчи балиқчиларгина макрель – бонито балиғидан нимаси билан фарқ қилишини тушуниши мумкин. Хўш, бу ўринда ўзбек таржимони балиқлар номини ифодаловчи атамаларни тўғридан тўғри транслитерация билан бериб тўғри қилганми, ёки уларни матн ичида ёки матн остида изохлаш керакмиди? Бизнингча охирги йўл энг тўғри усул бўлиб, ўзбек китобхонининг бу мавзуга оид дунёқарашини, тушунчаларини кенгайтириб, бу билан асарнинг ғоявий мазмунини чуқурроқ англашга ёрдам берган бўларди.



Қолаверса, матнда реалияларнинг изохсиз ишлатилиши китобхонни кўп чалғитишини, у ёки бу сўз маъносини билиб олиш учун луғатларга мурожаат қилишга мажбур қилишлигини унутмаслигимиз лозим. Шундай экан, транслитерация орқали берилган сўз изохланмаса, тушунтирилмаса бундай транслитерацияни асоссиз деб аташ мумкин. Асосли транслитерация китобхон тасаввурини бойитади, нутқ бойлигини, дунёқарашини кенгайтиради. Бундай сўзлар ўз навбатида таржима тилини ҳам бойитишга кенг йўл очади.

2. Ўлчов ва пул бирликларини ифодаловчи тушунчалар.

Аслиятда узунлик ва оғирлик ўлчовлари тушунчаларини билдирувчи дюжина, фут, фунт, ярд, дюйм, сажень сўзлари ўзбекчага русча вариантлар орқали транслитерация усулида киритилган, чунки уларнинг ўзбекчада функционал эквивалентлари мавжуд эмас, шу сабабли уларни ўзбек тилида тўғри сатр остида изохлаш бу ўринда энг маъқул усулдир. Бу билан асардаги локал колорит ҳам сақланади. Масалан, уларни юқоридагидек изохларини матн остида бериш мумкин. Русча матндан таржимада кўп холларда бу усулга риоя қилганини кўрамиз. Бироқ, айрим ўринларда бундай реалияларнинг беўрин «ўзбекчаштирилишига» гувоҳ бўламиз.

Масалан:

There was a sudden deep of seven hundred fathoms (p.47)

Дно в этом месте круто опускается на целых семьсот морских саженей

(с.15)

Бу ерда чуқурлик деярли етти юз денгиз саржини миқдорида тиккасига

тушиб боради (16 б.)

Маълумки «морская сажень» атамаси 1,83 см. узунлик ўлчовини ифодалайди. Ўзбек тилида у «бир қулоч», «икки метрча» каби шартли муқобиллар орқали берилиши мумкин. Таржимон эса иқтибосда «сажень»

2 м. 13 см узунлик ўлчовини ифодалашини кўрсатгани холда, гап «морская сажень» - «денгиз саржини» ҳақида кетаётганлигини эътибордан соқит қилган ва муаллиф назарда тутган аслиятдаги денгиз чуқурлигини бир мунча саёзлаштирилган. Ўзбекча «саржин» сўзи эса «сараланиб тахланган ўтин уюми» ни англатадики, бу сўзнинг саржин сўзи билан мутлақо алоқаси йўқ.

Худди шундай хатоликни оғирлик ўлчови инглизча ва русча «фунт» сўзини ўзбекча «қадок» сўзи билан алмаштиришганида ҳам кўрамиз.

He'll make a beautiful bait. He'll weight ten pounds (p.54)

Из него выйдет прекрасная наживка. Весь в нем десять фунтов, не меньше. (с. 20)

Ундан ажойиб хўрак чиқади. Ўзиям ўлдим деганда ўн қадокдан кам эмас. (23 б.)

Аслида бу ўринда таржимон «фунт» сўзини ишлатиб, аслиятдаги миллий колоритни сақлаганида ва матн остида



унга иқтибос берганида яхши бўларди. Ташқи кўринишдан «қадоқ» сўзи «фунт» сўзига функционал эквивалент бўла олса ҳам, инглизча 1 фунт 409 граммга тенг эканлигини, қадоқ эса 450 грамм оғирлик ўлчовига тенг эканлигини ва бу билан муаллиф мақсадини китобхонга аниқ етказса маъқул бўларди.

30,5 см узунлик ўлчовини ифодаловчи «фут» сўзи эса изохсиз қолдирилганлиги сабабли, китобхонда «фунт» ва «фут» сўзлари ифодалаган маънолар ҳақида бир хил тушунча уйғотиши шубҳасиздир:

...down there six hundrerd feet in that cold water in the dark (p.56)

На глубине в шестьсот футов холодно и темно (4; 22 б.)

Олти юз фут чуқурликда сув жуда ҳам совуқ ва қоп-қоронғи бўлади (2; 25 – 26 б.)

95 см узунлик ўлчовини ифодаловчи «ярд» сўзи иқтибосда изохланган холда, 25,5 мм. узунлик ўлчовини билдирувчи «inch» - «дюйм» сўзи изохсиз транслитерация қилинганлиги сабабли, бу сўз қанча узунликни билдириши китобхонга номаълум бўлиб қолган:

1. вилка – санчқи
2. салфетка – қўл сочиқ, қўл артгич
3. колонка – сув ўтказгич
4. квартал – даха, махалла
5. куртка – иссиқ кийим, пўстин
6. команда – жамоа
7. программа – дастур
8. мороженное – музқаймоқ
9. сутка – бир кеча - кундуз

The fish just moved away slowly and the old man could not raise him an inch

(8; p.58)

...рыба медленно уходила прочь и старик не мог приблизить ее к себе на

дюйм (4; 23 б.)

Балиқ эринмайгина илгарилаб борар, чол уни ўзига бир дюйм ҳам

яқинлаштира олмасди (6; 27 б.)

Бундай ҳолатлар аслиятда муаллиф баён қилмоқчи бўлган фикр таржимада китобхонга яхши етиб бормаслигига, асарнинг бадий, маданий савияси ҳақида нотўғри тасаввур уйғонишига сабаб бўлади холос.

3. Рус тили орқали ўзлаштирилган сўзлар ва транскрипция усули таржима тилида аслият ифодалаган тушунча мавжуд бўлмасагина ишлатилиш мумкинлиги таъкидланган эди. Асар рус тилидан ўгирилганлиги учун, ёки асар таржима қилинган йиллар рус тилининг мавқеи жуда баланд бўлганлиги учун жуда кўп сўзларнинг ўзбекча муқобиллари мавжуд бўлгани холда, уларнинг русча вариантлари ишлатилганлигига гувоҳ бўламиз:

10. лампа – чироқ
11. судья – хакам
12. рак – саратон касаллиги
13. буксир – шатак
14. жабра – ойқулоқ
15. одеял – юпка кўрпа
16. аптека – дорихона
17. турист – сайёҳ
18. официант – ошхона хизматчиси



19. рефрежератор – музлатгич
20. кофе – қахва
21. таверна – емакхона, ошхона
22. тормоз – тўхтатгич

Бу хол ўзбек адабий тили меъёрларининг бузилишига, тилни атайлаб хорижий сўзлар билан тўлғазишга уриниш деб бахоланиши мумкин. Матн таржимасида ўзбек адабий тилига бутунлай сингиб кетган, ўзбекча функционал эквивалентлари мавжуд бўлмаган, таржимасиз ишлатилган *пружина, прессор, перископ, амальгам, трос, корпус, чемпион, мотор, бочка, метал, консерва, стакан, самолёт, фонар* каби русчадан ўзлаштирилган сўзларга ҳам дуч келамизки, улар инглизча қандай ифодаланишига қарамасдан, таржимон уларни шу холича қолдиришга мажбур. Улар ўрнига янги сўз – неологизм яшаш, ёки изохлаш усули ҳам жумла равонлигига, ифодадорлигига ҳам путур етказган бўларди.

4. Диний реалияларнинг берилиши

Таржимада айрим хорижий реалияларни таржима қилиш, айримларини эса испанча транскрипциясини қолдириш ҳолатларини ҳам кўрамиз.

On the brown walls...there was a picture of the Sacred Heart of Jesus and another of the Virgin of Cobre (p.37-38)

Коричневые стены ... были украшены цветными олографиями сердца господня и Santa Maria del Cobre (с.8)

23. группа – гурух
24. чайка – денгиз қуши, чағалоқ
25. стул – курси

...жигар ранг деворларини Тангри қалби ва Santa Maria del Cobre нинг рангдор олография билан ишланган тасвири бегаб турар эди (8 б.).

Бу ўринда христиан динига сиғинувчи руслар «Сердца господня» ва Santa Maria del Cobre (Кобрелик мабуда Мария), шунингдек олография нима ва ким эканлигини яхши тушунишар, шу сабаб русча таржимада бу реалиялар изохсиз қолдирилгандир. Бироқ, ўзбек китобхони бу жумлани ўқиб чолнинг кулбаси аллақандай рангдор расмлар билан безатилганлиги ҳақидагина тасаввурга эга бўладилар холос. Бизнинг назаримизда, бу ўринда таржимон бундай реалиялар ҳақида китобхонга тегишли тушунтиришлар бериши лозим. Чунки, китобхон асардан нафақат эстетик завқ, балки ўзи учун ноъмалум ахборотларни ҳам олиши, фикрини, дунёқарашини, билимларини кенгайтириши лозим. Масалан the Virgin of Cobre – диний реалияси Кубада денгиздаги бутун балиқларни химоя қилувчи мабуда эканлиги рус китобхонига ҳам ўзбек китобхонига ҳам маълум эмас.

5. Спортга оид реалиялар.

Асарда бу ўринда чол ва бола ўртасида бейсбол жамоалари ҳақидаги суҳбат берилган. Рус таржимони ортидан эргашган ўзбек таржимони ҳам жамоалар номини таржима орқали бериб ҳам миллий колоритга путур



етказишган, ҳам таржимада жиддий хатоликларга йўл қўйилган:

The "Yankees" cannot lose.

But I fear "the Indians" of Cleveland.

Have faith in "the Yankees" my son.
Think of the the great DiMaggio.

I fear both "the Tigers" of Detroit and
"the Indians" of Cleveland.

Be careful or you will fear even "the
Reds" of Cincinnati and "the White Sox"

of Chicago. (p.39).

-«Янки» не могут проиграть.

- Как бы их не побии кливендские
"Индейцы"!

- Не бойся, сынок. Вспомни о
великом Ди Маджио

- Я боюсь не только «Индейцов» но
и «Тигров» из Детройта

-Ты чего доброго, скоро будешь
бояться и «Краснокожих» из
Цинциннати и чикагского «Белых
чулок» (с.7)

-«Янки» ютқазishi мумкин эмас.

- Кливленд «Хиндилари» уларни
боплаб қўймаса деб қўрқаман.

-Қўрқма ўғлим. Улуғ Ди Маджиони
эслагин – а.

-Мен фақат «Хиндилар» дангина
эмас, Детроит «Йўлбарслари»дан
хам қўрқаман.

-Худо кўрсатмасин, сен хали
цинциннатилик «Қизилтанлар»дан
хам, Чикаго «Оқ пайпоқлари» дан
хам қўрқиб ўтирарсан.

Назаримизда бу ўринда ҳар икки таржимон ҳам бейсбол жамоалари номларини the Yankees, the Indians, the Tigers, the Reds, the White Sox деб инглизча бериб матн остида иқтибосда изох берганида бу билан асардаги локал колоритни сақлаган бўларди. Бунинг устига «Янки» - «Янкилар» деб ўгирилиши, «Хиндилар» - «Хиндулар» деб ўгирилиши, бу билан америкалик хиндулар ва хиндистонлик хиндиларнинг фарқига борилиши лозим эди. Айнан шу фикрни "the great well" (p.47) реалиясини «буюк қудуқ» (16 б.) деб ўгирилишига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

6. Асарда ишлатилган хорижий аралашма сўзлар ва уларнинг таржималарда берилиши.

Асарда инглиз тилида ёзилган бўлсада, у Кубалик балиқчи чолнинг денгизда ёлғиз қолгани баёнида муаллиф уни испанча гапиртиради, бу билан асардаги миллий колоритни алоҳида таъкидламоқчи, чол феъл атворидаги ўзига хос хусусиятларни бўрттириб кўрсатмоқчи бўлиб, нарса ва ходисаларни испанча транскрипцияда ёзувда беради. Асарда бундай ўринлар талайгина. Масалан, муаллиф денгизни испанлар ҳам женский родда ҳам, мужской родда ҳам "la mar" ва "el mar" деб аташларини испанча бериб, денгизни севувчилар уни эркалаб "la mar" деб аташади, писанд қилмовчилар эса "el mar" деб аташади дейди. Испанча миллийликни ифодаловчи бу жумла таржимаси рус тилида ҳам ўзбекчада ҳам муаллиф услубини сақлаган ҳолда ўгирилган:



He always thought of the sea as *la mar* which is what people call her in Spanish when they love her. Sometimes those who love her say bad things of her but they are always said as though she were a woman. Some of the younger fisherman, those who used bouys as floats for their lines and had motor-boats, bought when the shark livers had brought much money, spoke of her as *el mar* which is masculine. (p.47-48)

Мысленно он всегда звал море *la mar*, как зовут его по-испански люди, которые его любят. Порою те, кто его любит, говорят о нем дурно, но всегда как о женщине, в женском роде. Рыбаки помоложе, из тех, кто пользуется буйами вместо поплавков для своих снастей и ходит на моторных лодках, купленных в те дни, когда акулья печенка была в большой цене, называют море *el mar*, то есть в мужском роде. (с.15)

Хар доим денгизни, унга мухаббат қўйган хамма кишилар кабм испанчасига *la mar* деб атарди. Акула жигарининг нархи ошга кунларда сотиб олинган моторли қайиқларда юриб, қармоқларига пўкак ўрнига буй ишлатадиган хилидан бўлган ёшроқ балиқчилар эса денгизни *el mar* деб атайдилар ва унга эр кишига қарагандай қарайдилар. Уларнинг наздида денгиз гўё, худудсиз бир сайхон, гўё бир рақиб, гохида эса, хатто бир душман бўлиб кўринади.(17 б.)

Асарда хорижий аралашмалар аслиятда испанча транскрипцияда берилган ва русча, ўзбекча таржималарда муаллифнинг бу усули тўғри сақланган ва матн остида изохланган.

Масалан, *calambre* (71 б.) – русча судорога, ўзбекчада томир тортиши, акашак: *Gran Ligas* (75 б.) – известные бейсбольные команды, машхур бейсбол командалари, *juegos* (75 б.) – спортивные игры, спорт мусобақалари, *un espuela de hueso* (75 б.) – костная мазоль – суяк қадоғи: *El Campeon* (76 б.) – чемпион: *galanos* (103 б.) – вид акулы, акула тури: *Tiburon* (117 б.) – акула.

Асарда официант маъносида ишлатилган *Eshark* (117 б.) реалияси мавжуд. Аслида бу сўз инглизча *shark* сўзининг олдида испанларга хос «Е» харфини қўшиб айтилишидан хосил бўлган. Испанлар ўзлари учун қийин талаффузли шивирловчи товушли сўзлар олдида Е харфини қўшиб талаффуз қиладилар. Миллий, локал характерга эга бўлган бу реалия русча ва ўзбекча таржималарда оддийгина «официант» деб ўгирилиб бундай ўзига хосликни қолдириб кетишган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, миллий реалияларни таржимада ифодаланишини ўрганиш биринчидан бадий асардаги миллий ўзига хосликларни ифодалаш усуллари аниқлаб таржимонлар учун амалий, назарий билимларини такомиллаштиришга ёрдам беради, иккинчидан, билвосита ва бевосита таржима жараёнида қўлга киритилган бой тажрибаларни умумлаштиришга, йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаб бадий асарнинг ғоявий мазмунини чуқурроқ англанишига олиб келади.

Хулоса. Миллий реалияларни таржимада беришнинг энг самарадор усули транскрипция ва транслитерация



бўлиб, у оригиналдаги хос сўзни тўлиқроқ ифодалаш имконини беради. Транслитерация усулидан одатда оригиналдаги миллий ўзига хос тушунча ифодаляйдиган маъно таржима тилида мавжуд бўлмаган холларда фойдаланади. Масалан, денгизчиликка оид *румпель, мачта, шкот, гавань, борт, битенг, вахта каби, балиқчиликка оид марлин, сардин, макрель, каракатица, бонита, албакоре, тунец, умбрица, мако, галано* каби сўзларнинг барчаси рус тили орқали ўзбек тилига хам кириб келганки, ўзбек тилида уларга мос эквивалентлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли, таржимон уларни транслитерация усулида беришга, матн остида изох беришга мажбур. Айрим олимларнинг бундай сўзларни интернационаллашган лексика деб атаб, улар таржима тили бойлигини оширишга хизмат қилишлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Реалияларни таржимада ифодалаган стилистик функциясини тўғри ифодалашнинг муҳим шартларидан бири контекстни тўғри тушунишдир. Чунки, реалиялар контекстдаги функциясига кўра турлича стилистик маъноларни англатиши мумкин. Масалан инглизча “fathom” - русча «морская сажень» сўзини ўзбекчага «денгиз саржини» деб тўғри бериб, таржимон иқтибосда «денгиз саржинига» иқтибос бермасдан, балким «саржин» сўзига иқтибос берган ва саржин ва денгиз саржинларининг узунлик ўлчовлари фарқли эканлигига эътибор бермаган таржимон китобхонга нотўғри тасаввур уйғотган.

Шунингдек, узунлик ўлчови хисобланмиш “inch” – «дюйм» сўзининг

контекст орқали қандайдир ўлчамни ифодаланиши тушунилса хам, уни «бир тутам» деб ўгирилиши оригиналда ифодаланган 25,5 мм. узунлик ўлчови ҳақида нотўғри тасаввурга олиб келган.

Русча ва ўзбекча таржималарда «Янки» ютқизиши мумкин эмас», «Кливленд Хиндилари», «Детроит Йўлбарслари» каби иборалар учрайди. Инглиз китобхони бу атамаларни ўқиганиданоқ, гап бейсбол командаларининг номлари эканлигини англайди. Бундай инглизча жумлаларни таржима орқали берган рус таржимонига эргашган ўзбек таржимони хам иборалар англатган контекстуал маънодан узоқлашиб кетган, натижада ўзбек китобхони гап нима ҳақида кетаётганини қийинчилик билан англаши мумкин. Ўзбек китобхони «Пахтакор» ютипти» дейилса дарров миллий футбол жамоаси ҳақида гап кетаётганлигини тушунади. Бироқ, «Янки» ютқизиши мумкин эмас» – дейилса бу футболми, волейболми, бейсбол жамоасими номаълум бўлиб қолади. Шу сабаб, инглизча контекстда қисқартириб берилган ибора маъносини ўзбекчада сўз қўшиш йўли билан «Янкилар» бейсбол жамоаси» деб ўгиришга тўғри келади.

Таржимада ишлатилган жуда кўп сўзларнинг ўзбекча муқобиллари мавжуд бўлгани холда, уларнинг русча эквивалентларидан фойдаланилганлиги бу ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини кўпайтириш учун эмас, балки адабий тил меёрларини бузилишига олиб келиши мумкин.

Масалан: *вилка, программа, мороженное, сутка, салфетка,*



рефрежератор, тормоз, буксир, турист каби

Тўғри бундай сўзлар рус тилининг таъсири туфайли ўзбек китобхонларига ҳам таниш тушунчаларни ифодалайди. Бироқ, ўзбек адабий тилида улар ифодалайдиган *санчқи, дастур, музқаймоқ, бир кун, қўл сочиқ, музлатгич, тўхтатгич, сайёҳ* каби лексик бирликлар мавжуд бўлгани холда русча атамаларни ишлатиш ғализ туюлади.

Ўзбек тилига рус тили орқали кириб келган ва ўзбекча эквивалентлари мавжуд бўлмаган тушунчаларни ифодаловчи хос сўзлар мавжуд. Таржимон уларни ҳеч қандай изохсиз транслитерация усулидан фойдаланиб ўзбекча матнга киритишга мажбур.

Масалан: пружина, рессор, корпус, мотор, бочка, консерва, стакан ва х.

Асар таржимасида бейсбол командаларининг номлари инглизча "The Indians", "The Tigers", "The Reds", "The white Sox (Socks)" русчага «Индейцы», «Тигры», «Краснокожие», «Белые чулки», денгиздаги чуқурлик номи "the great well" русча «великий колодец» - ўзбекча «буюк қудуқ» деб, диний атама "Sacred Heart of Jesus" русча «Божая сердца», ўзбекча «Тангри қалби» деб таржима усулидан фойдаланиб, ўзбекчалаштирилган реалияларни ҳам кўрамиз. Инглизча реалияларнинг

русчага ва ўзбекчага бундай ўгирилиши реалиялар ифодалаган миллий колоритни йўққа чиқариб қўйган. Фикримизча, уларни русчада ҳам, ўзбекчада ҳам инглизча транслитерацияларини бериб, матн остида изохланганида маъқулроқ бўларди.

Аслиятда ифодаланган миллий реалияни таржима тилига тушунарли ўгириш муаммоси хорожий мухит ва шарт-шароитларни китобхон олдида очик ойдин жонлаштириш масъулиятини юклайди.

Бироқ, транслитерация орқали берилган сўз изохланмаса, тушунтирилмаса, китобхон тасвирланаётган воқеа-ходисалар ва сўзлар баёнига тушунмай қолади. Бу ўринда транслитерация қилинган сўз контекст ичида тасвирланиб тушунтирилиши, маъноси қавс ичида берилиши, ёки матн остида изохланиши мумкин. Бундай транслитерация асосли транслитерация дейилади. Асосли транслитерация китобхон тасаввурини бойитади, нутқ бойлигини, дунёқарашини кенгайтиради. Шундай қилиб, реалиялар таржима тилининг бойишига ҳам сабаб бўлади. Буларнинг барчаси аслиятда ифодаланган реалияларни китобхон кўз олдида айнан жонлантирадиган ифода воситаларини вужудга келишига ёрдам беради.



FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Mamadayupova, V. S. (2015). Application of information technologies in the course of training in the foreign language. *European Journal of Education and Applied Psychology*, (1), 6-8.
2. Shonazarovna, M. V. (2019). Some ways of learning foreign language at an early age. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 7(10).
3. Mamadayupova, V. S. (2021). SOME WAYS OF LEARNING FOREIGN LANGUAGE AT AN EARLY AGE. *Academic research in educational sciences*, 2(1).
4. Мамадаюпова, В. Ш. (2016). Об эффективности раннего обучения английскому языку. *Молодой ученый*, (11), 1477-1478.
5. Ruzibaeva, N. (2019). PECULIARITIES OF THE ANTITHESIS IN THE LITERARY TEXT. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 7(11).
6. Miraziz, R., & Oybek, T. (2020). INGLIZ, FRANSUZ VA O'ZBEK SHE'RIYATINI TARJIMA QILISHDA QO'LLANILADIGAN TRANSFORMATSIYALAR. *Oriental Art and Culture*, (V).
7. Raufov, M. M. (2021). ELEMENTARY TRANSFORMATIONS IN SIMULTANEOUS TRANSLATION. *Academic research in educational sciences*, 2(1).
8. Mamadayupova, V. S. (2015). Application of information technologies in the course of training in the foreign language. *European Journal of Education and Applied Psychology*, (1), 6-8.
9. Shonazarovna, M. V. (2019). Some ways of learning foreign language at an early age. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 7(10).
10. Mirgiyazova, M. M. (2021). THE ROLE OF DISCOURSE ANALYSIS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES. *Academic research in educational sciences*, 2(2).